

Қуръон ўқинг!

12:10 / 15.03.2017 4223

Агар ғамгин бўлсангиз Бақара сурасининг 25-оятини ўқинг!

أَوْتَحَّتْ نَمِيْرَجَتِ أَنْجُمْ هَلَّ نَأْتِ أَحْلَاصِلْ أَوْلَمَعَوِ أُوْنَمَآ نِيْدَلْ رَّشَبَوِ
لُبَقُوْنَمِ أَنْقُرُ يَدْلِ آدَهْ أَوْلَاقِ أَقْزِرَ رَمَثْ نَمِ أَهْنَمِ أَوْقُرُ أَمَلْ كُرَاهَنْ أَلْ
نَوْدَلْ أَحْ أَيْفُ مَوْ وَرَّطُمُ جُأَوْرَا أَيْفُ مَوْلَوِ أَوْبِ أَشْتَمَوْبِ أَوْتُأَوْ

“Имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга хушхабар беринги, улар учун (жаннатда) остиларидан анҳорлар (суви) оқиб турувчи боғлар бордир. Ризқ этилган мевалардан ҳар гал тановул қилганларида: “Бу илгари биз еган меваларнинг худди ўзи-ку?!” - дейдилар. Зеро, уларга (сурати) бир-бирига ўхшаш мевалар берилган эди. Яна улар учун у ерда покиза хотинлар бордир ва улар у ерда абадий қолувчилардир”.

Жаннат аҳли ноз-неъматлардан ҳар гал тановул қилганларида, уларнинг нав ва сифатда бир-биридан фарқсиз ҳолда кўриб, "бу олдинроқ еган нарсаларимизнинг ўзи-ку," - деб таажжуб қилар эканлар.

Иккинчи тафсири шуки, жаннатдаги ноз-неъматларнинг ташқи кўриниши худди ёруғ дунёдагига ўхшаш бўлиб, мазасининг тотлилиги билан фарқ қилар экан. Тановул қилмай туриб: "Бу олдин (дунёда) тановул қилган нарсаларимизнинг ўзи-ку!" - дер эканлар. Еб кўрганларидан кейин эса, жаннат меваларининг мислсиз тотли эканига амин бўлар эканлар.

Агар гуноҳ қилиб қўйсангиз Зумар сурасининг 53-оятини ўқинг!

نَّالْهَلْ لَمَحْرُ نَمِ أَوْطَنْقَاتِ أَلْ مَوْسُفَنْ أَلْ عِ أَوْفَرْسَا نِيْدَلْ أَيْ دَابِعِ أَيْ لُقْ
مِيْحْرَلْ أَوْفَعْلَلْ وَهُنَّ أَعْيَمَجَ بُونُذَلْ أَرْفَعِي هَلْ لَلْ

“(Эй, Муҳаммад!) Ўз жонларига (гуноҳ билан) зулм қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи Мағфиратли ва Раҳмлидир”.

Бу оят Ибн Касир раҳимахуллоҳ таъбири билан айтганда, кофирлар учун ҳам, мўминлар учун ҳам баробар даъватдир. Зеро, куфр ва ширкдан шу дунёда тавба қилиб имон келтирган кишининг тавбаси ва имони қабул қилиниши аниқ. Шунингдек, мўмин бўла туриб, дарёнинг кўпигидек кўп гуноҳ қилган кимсанинг ҳам гуноҳларини Аллоҳ таоло ўз фазли билан кечиб юбориши мумкин экани ҳам оят ва ҳадислардан маълумдир.

Агар тинчлик-осойишталикни истасангиз Моида сурасининг 16-оятини ўқинг!

تَامُّلٌ ظَلَامٍ مِّمُّهُ جَزُؤٌ يَوْمِ اللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ
مِيقَاتٍ سُمِّيَتْ أَرْصَافَ الْيَوْمِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ وَاللَّيْلِ

“У (Пайғамбар ва Китоб) билан Аллоҳ ризосини топишга интиланларни (У) тинчлик ва саломатлик йўлларига йўллаб, Ўз изни билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва тўғри йўлга ҳидоят қилур”.

Агар дўст изласангиз Бақара сурасининг 257-оятини ўқинг!

أَوْرَفَكَ نِيذِيرًا وَرُونًا لِلْظَّالِمِينَ جَزَاءُ الَّذِي أَوْسَدَ بِتَابِ اللَّهِ وَاللَّهُ لَظِيمٌ
بِأَخْصَابٍ كَلْبَاءٍ وَالظَّالِمِينَ لِيُرَوِّجَهُمْ فِي تَوَائِبِهِمْ وَأَعْيَابِهِمْ
وَلِيُرَدِّدَهُمْ فِي صَفْحٍ أَعْيَابٍ

“Аллоҳ имон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматдан нур сари чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлар (бутлар)дир. Уларни (кофирларни) нурдан зулмат сари чиқарадилар. Ана ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда мангу қолувчилардир”.

Агар сизнинг жинсингизни камситишса Аҳзоб сурасининг 35-оятини ўқинг!

نِيذِيرًا لِلظَّالِمِينَ وَالظَّالِمِينَ لِيُرَوِّجَهُمْ فِي تَوَائِبِهِمْ وَأَعْيَابِهِمْ
وَلِيُرَدِّدَهُمْ فِي صَفْحٍ أَعْيَابٍ وَالظَّالِمِينَ لِيُرَوِّجَهُمْ فِي تَوَائِبِهِمْ
وَأَعْيَابِهِمْ وَالظَّالِمِينَ لِيُرَوِّجَهُمْ فِي تَوَائِبِهِمْ وَأَعْيَابِهِمْ
وَلِيُرَدِّدَهُمْ فِي صَفْحٍ أَعْيَابٍ

أَمْ يَطْعَانُ أَوْ عَرَفَعُمْ مَوْلَىٰ لَدَا تَارِكًا أَوْ

“Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар - улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир”.

Агар сизнинг ирқингизни камситишса Хужурот сурасининг 13-оятини ўқинг!

لَئِن بَقِوْا بِعُنُوشٍ مَّا كَانُوا لَعَجَبًا وَتَنْتُنُؤًا وَرَكَدًا ذُنُوبًا كَانُوا لِقَوْلِ اللَّهِ أَعْيَانًا
رِيْبًا خُفِيَ عَنِ الْعَالَمِينَ كَانُوا لِقَوْلِ اللَّهِ ذُنُوبًا كَانُوا لِقَوْلِ اللَّهِ أَعْيَانًا

“Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир”.

Агар сизга муҳаббат, хотиржамлик ва таскин керак бўлса Рум сурасининг 21-оятини ўқинг!

لَعَجَبًا وَأَعْيَانًا أُولَٰئِكَ سَتَلَاجُ أَوْزَارًا مَّا كَانُوا يَفْقَهُونَ أَمْ كَانُوا لِقَوْلِ اللَّهِ
نُورًا فَتَيِّمٌ مَّقُولَاتِ اللَّهِ كَذِبًا نَّهَىٰ عَمَّا رَوَّعْتُمْ مَّا كَانُوا يَفْقَهُونَ

“Унинг аломатларидан (яна бири) - сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”.

раҳматидан фақат кофирлар қавмигина ноумид бўлур”.

Агар ўзингизни ҳамма нарсадан маҳрум қилинган деб ўйлаётган бўлсангиз Иброҳим сурасининг 34-оятини ўқинг!

نَاسُنْ اِلَّا نِ اِهْ وُصْحُتْ اَلْهَلْ لَ اَمَّ عَمَّ نْ اُوْدُعَتْ نْ اِوْ وُهْمُتْ لَ اَسْ اَمَّ لْ كُنْ نْ مْ مْ كَاتْ اَوْ
رَافَكْ مْ وُلَطْل

“Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, инсон (ўзига) ўта золим ва (Раббига) жуда ношукрдир”.

Агар сиз қийинчилик ва машаққатлардан чарчаган бўлсангиз Шарҳ сурасининг 5-оятини ўқинг!

اَرْسُيْ رَسُ عِلْ اَمَّ نْ اِفْ

“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”.

Агар одамлар сиз билан жанг бошласалар Фурқон сурасининг 63-оятини ўқинг!

نْ وُلْ هَا جَلْ اُ مَّ هَبَطَا حْ اِذْ اِوْ اَنْ وَّهْ صُرَّ اَلْ اِىْلَعْ نْ وُشْ مَّ يَ نِ يْ دَلْ اِ نْ مَّ حَّرْلْ اِ دَابَّ عْ و
اَمَّ اَلْ سْ اَوْلَا قْ

“Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) сўз қотганда “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир”.

Агар сиз турли қўрқувлардан қутулишни истасангиз Бақара сурасининг 62-оятини ўқинг!

هَلْ لْ اِبْ نَ مَّ اَ نْ مَّ نِ يْ ئَبْ اَصْلْ اِوْ اِ رَاصِّ نْ نْ لْ اِوْ اُوْدَا هَ نِ يْ دَلْ اِوْ اُوْنْ مَّ اَ نِ يْ دَلْ اِ نْ اِ
مَّ هَ اَلْ وُ مَّ هَيْ لَعْ فَوْ حْ اَلْ وُ مَّ هَبَّرَ دَنْ عَ مَّ هُ رَجَّ اُ مَّ هَلَفْ اِحْ لْ اَصْلَ مَ عَ وِ رَحَّ اَلْ اِ مَّ وِ يْ لْ اِوْ

“Албатта, мўминлар, шунингдек, яҳудийлар, насронийлар ва собийлардан кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирса ҳамда солиҳ амалларни қилса, уларга Раббиларидан ажр бордир, уларга хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар”.

Собийлар – яҳудий ва насроний динларидан воз кечиб, фаришталарга сиғинувчи тоифа кишилари. Баъзи олимлар уларни юлдузларга сиғинувчилар деб таърифлайдилар.

Агар гуноҳларингиз кечирилишини истасангиз Оли Имрон сурасининг 135-оятини ўқинг!

اَوْرَفَعْتُمْ سَافَهًا لِّلْاٰوْرٰكِيْنَ ذٰلِكَ مُمْسَقٰتٌ اَوْ مَلَطُوْا ۗ ؕ اَشْحَافٌ اَوْ لَعَفٰ اٰذِىٰنِ يٰۤاٰوْ
 مُّوْ اَوْ لَعَفٰ اٰمٌ يٰۤاٰوْرٰصِيْۤا مَلَوْوْهُ لِّلْاٰلِىِّ بِنُوْنٍ ذٰلِكَ رَفَعِيْۤا نَمَوْوْهُ مَوْبُوْنٌ ذٰلِ
 نُوْمَلْعٰي

“Улар бирор фаҳш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар била туриб, қилмишларида давом этмайдиган кишилардир”.

Интернет материаллари асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади